

---

## СУВҲИДДИН ОТА ШАРОФИДДИНОВ: ВАТАН РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШГАН ИНСОН АЛБАТТА, НАТИЖАГА, САМАРАГА ЭРИШАДИ

Президентимизнинг “Халқлар дўстлиги куни муносабати билан бир гуруҳ фаолларни мукофотлаш тўғрисида”ги фармониغا асосан Сўх тумани нуронийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли Сувҳиддин ота Шарофиддинов “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди.

Равон қишлоғида истиқомат қилаётган отахонни ушбу юксак мукофот билан табриклаш учун туман ҳокими Сайидбаҳром Сайидмусаев бошчилигидаги секторлар раҳбарлари отахоннинг хонадонидан бўлиб, дилдан гурунглашдилар.

- Меҳнат ва сидқидилдан қилинган саъй-ҳаракат, Ватан равнақиغا ҳисса қўшган инсон албатта, натижага, самарага эришади. Инсон ҳалол меҳнат қилсагина камолотга етади, ҳурмат ва иззатга сазовор бўлади. Бугун мендан бахтли инсон йўқ, чунки Президентимизнинг эътибори туфайли Ватаннинг ушбу юксак мукофотиغا сазовор бўлдим. Бу мукофот эътибор ва эътироф натижасидир. Ёшларга насиҳатим - ҳалол меҳнат қилинг, албатта, ажрини кўрасиз, - дейди отахон.

Сувҳиддин ота Шарофиддиновнинг асл касби - ўқитувчилик. Бир неча йил бошланғич синфлар муаллими сифатида фаолият олиб борган. Ҳаётининг асосий қисмини халқ хизматида бағишлаган. Нафақага чиққунга қадар маҳалла раиси бўлиб ишлаган Сувҳиддин ота бугун қарилик гаштини сурмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-02 12:51:39